

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ҲИСОБ-КИТОБ ХИЗМАТИНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10541093>

Alpisbaeva Shaxnoza Salamat qizi

Toshkent Moliya instituti talabasi

Анотация: *Мазкур мақолада мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган ҳисоб-китоб хизматини тижорат банклари томонидан такомиллаштириш йуллари, баланс ҳисобварақлари ўз хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муаммолар ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *тўлов топшириқномалари, тўлов талабномаси, аккредитивлар, вексел, инкассо, депозит.*

Аннотация *В данной статье разработаны пути совершенствования бухгалтерского обслуживания, предоставляемого малому бизнесу и предпринимателям в нашей стране коммерческими банками, проблемы, связанные с особенностями балансовых счетов и научные предложения, направленные на их решение.*

Ключевые слова: *платежные поручения, платежное требование, аккредитивы, вексель, инкасса, депозит.*

Abstract *In this article, ways to improve the accounting service provided to small businesses and entrepreneurs in our country by commercial banks, problems related to the characteristics of balance accounts and scientific proposals aimed at solving them have been developed.*

Keywords: *payment orders, payment request, letters of credit, promissory note, collection, deposit.*

2016-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган ҳисоб-китоб хизматларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни тўлов топшириқномалари билан амалга оширилган тўловлар эгаллайди. Бу эса, нақд ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тўлов топшириқномасининг жиддий камчилиги бўлиб, тўловнинг кафолатланмаганлиги ҳисобланади. Бунинг устига, тўлов топшириқномалари билан амалга оширилган тўловларнинг нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2021 йилда 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада (16,11 ф.п.) ошган.

2016-2021 йилларда республикамиз бўйича амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида мемориал ордерлар билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланмайди. Чунки, биринчидан, мемориал ордер нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли ҳисобланмайди; иккинчидан, мемориал ордерда тўловни амалга ошириш учун тўловчининг розилиги талаб этилмайди.

республикамиз бўйича 2016-2021 йилларда амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида тўлов талабномаси билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи жуда паст даражада бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтай-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тўлов талабномаси бозор иқтисодиёти талабларига тўғри келмайди. Чунки, тўлов талабномаси пули тўланмай жўнатилган товарларнинг пулини олиш мақсадида қўлланилади. Бозор иқтисодиёти шароитида пули тўланмай, яъни тўлови кечиктириб сотилган ҳар қандай товар кредитга сотилган ҳисобланади ва ушбу товарлар суммаси унга фоиз ҳисобланган ҳолда тўланади. Кредитга сотилган товарлар суммасига кўпчилик ҳолларда тижорат вексели ёзилади ва векселда товар суммаси ва унга қўшиб тўланадиган фоизнинг ставкаси кўрсатилади. Иккинчидан, тўлов талабномасида тўлов кафолатланмаган.

Республикамиз бўйича 2016-2021 йилларда амалга оширилган нақд пулсиз тўловларнинг умумий ҳажмида инкассо ва ҳужжатлаштирилган аккредитивлар билан амалга оширилган тўловларнинг салмоғи жуда паст даражада бўлган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтай-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки;

Биринчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклида тўловчини тўловни ўз вақтида амалга оширишга ундовчи жиҳат мавжуд. Яъни, тижорат

банки товарлар суммаси тўланмагунга қадар товар ҳужжатларини тўловчига бермайди. Тўловчи товар ҳужжатларини олмаса товарни ола олмайди.

Иккинчидан, ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси тўлиқ кафолатланган. Қопланадиган аккредитивларда тўлов суммаси тўловчининг жорий ҳисобрақамидан ечиб олиниб, алоҳида ҳисобрақамга ўтказиб қўйилади ва ушбу суммадан тўловчи фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Қопланмайдиган аккредитивларда тўловчининг банки ҳужжатлаштирилган аккредитивни очилиши билан, яъни мол етказиб берувчининг банкига аккредитив телеграммасини жўнатиши билан тўлов юзасидан кафилга айланади. Агар товар ҳужжатлари келиб тушганда тўловчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамида пул маблағлари бўлмаса, у ҳолда, тўловчининг банки ҳужжатлаштирилган аккредитив суммасини ўзининг кредити ҳисобидан тўлаб беради.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган ҳисоб-китоб хизматини такомиллаштириш учун аккредитив банк

мақомидаги тижорат банклари томонидан мижозларнинг етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан тўлов мажбуриятлари бўйича очиладиган қопланмаган ва тасдиқланмайдиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмини ошириш лозим. Бунинг учун биринчидан, пул оқимининг мажбуриятларга нисбатан даражаси бўйича кредит тўловига лаёқатлиликнинг биринчи ва иккинчи тоифасига мансуб бўлган мижозлар гуруҳини шакллантириш ва уларнинг тўловлари бўйича мазкур шакллардаги аккредитивларни очиш лозим; иккинчидан, мазкур мижозлар гуруҳига ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг қайта тикланадиган ва аванс тариқасида тўланадиган аккредитив турларидан фойдаланиш имконини бериш керак;

Учинчидан, ҳужжатлаштирилган аккредитивларни аккредитив банкнинг кредит линияси орқали кредитлашга устуворлик бериш керак.

Пул оқимининг мажбуриятларга нисбати бўйича аниқланадиган кредит тўловига лаёқатлиликнинг биринчи ва иккинчи тоифасига мансуб бўлган мижозлар тўловга лаёқатлилик даражаси юқори бўлган мижозлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018 с.;

4. Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатишини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018 – Б.19 (48 б.)

5. Xayrulla o'g'li I. T. IJTIMOIIY SOHADA DAVLAT XUSUSIY SHERIKCHILIK MUNOSABATLARINI AMALGA OSHIRISH MEXANIZMINI O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH. – 2023. – T. 2. – №. 15. – С. 239-243.

6. Hoshimov, Jahongir. "INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI OSHIRISHDA XITOIY VA SINGAPUR TAJRIBASI." Iqtisodiyot va ta'lim 24.2 (2023): 369-373.

7. Javlonbek, Javlonbek Butayev. "INVESTITSIYA FAOLIYATINI MOLIYALASHTIRISHNING ME'YORIY-HUQUQIY ASOSLARI." Молодые ученые 1.7 (2023): 67-69.

8. Navruzov, Ikram. "MILLIY IQTISODIYOTGA TO'G'RIDAN-TO'G'RI XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISHNI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI." *Iqtisodiyot va ta'lim* 23.6 (2022): 297-300.
9. Турсунова Н., Очилов Б. Вопросы повышения роли финансового рынка в деятельности корпоративных структур // *Экономика И Образование*. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 108-112.
10. Yuldasheva U. A. et al. POSSIBILITIES OF USING THE EXPERIENCE OF ADVANCED FOREIGN COUNTRIES IN DETERMINING AND ANALYZING THE TAX POTENTIAL OF REGIONS // *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*. – 2022. – Т. 10. – №. 2. – С. 17-21.
11. Xayrulla o'g'li I. T. BANK-MOLIYA TIZIMINI ISLOH QILISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI // *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*. – 2023. – Т. 2. – №. 23. – С. 372-375.
12. Abdullaevich N. I. The Importance of Investment Attractiveness and The Role of Foreign Direct Investors in The Growth of The Country's Economy // *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*. – 2023. – Т. 25. – С. 22-26.
13. Butayev J. MILLIY FOND BOZORI RIVOJLANISHINING ISTIQBOLLI YO'NALISHLARI // *Iqtisodiyot va ta'lim*. – 2023. – Т. 24. – №. 2. – С. 250-255.
14. Хошимов, Жахонгир. "ПРЯМЫЕ–СНИЖЕНИЕ СТРАНОВЫХ РИСКОВ ПРИ ПРИВЛЕЧЕНИИ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ." *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences*. 3.5/2 (2023): 149-155.
15. Xayrulla o'g'li I. T. PARTISIPATOR BYUDJETLASHTIRISH FUQAROLARNING BYUDJET JARAYONIDAGI ISHTIROKINING SAMARALI MEXANIZMI SIFATIDA // *SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM*. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 228-229.
16. Butayev, Javlonbek. "INVESTITSIYA FAOLIYATINI MOLIYALASHTIRISHNING ME'YORIY-HUQUQIY ASOSLARI." *Молодые ученые* 1.7 (2023): 86-88.
17. Sugahara S., Ravshan S., Bobur O. FEATURES OF MONEY SUPPLY REGULATION IN UZBEKISTAN // *"MOLIYA-IQTISOD"*. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 59-68.
18. Jumayeva S. X. et al. MAMLAKAT TO'LOV BALANSIDA PORTFEL INVESTITSİYALARNING O'RNI // *SCHOLAR*. – 2023. – Т. 1. – №. 15. – С. 69-74.
19. Aktamov B. BAHOLASH FAOLIYATINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISHNING MILLIY VA XORIJIY AMALIYOTLARI XUSUSIYATLARI: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a34 // *Iqtisodiyot va ta'lim*. – 2022. – Т. 23. – №. 3. – С. 228-233.
20. Hoshimov, Jahongir. "XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB ETISHGA YARATILGAN MUHIT VA UNING JOZIBADORLIK DARAJASI." *Iqtisodiyot va ta'lim* 24.4 (2023): 42-46.